

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИДАН МАҚСАДЛИ ВА ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШДА ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИ ТИЗИМИНИ АҲАМИЯТИ ВА ЎРНИ

Холбутаев Ўктам Хўжабекович

Жиззах политехника институти ўқитувчиси,

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон давлат бюджет назорати тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ва тизимнинг камчиликлари, уни ривожлантириш масалалари баён этилган. Бунда асосий эътибор, бюджет назорати унинг истиқболли йўналишлари ҳамда уни такомиллаштириш зарурияти, ҳуқуқий ва услубий таъминотининг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилган.

Калит сўзлар: давлат бюджети назорати, аудит, бюджет харажатлари дастлабки, жорий ва якуний назорат, самарадорлик, ички назорат, мониторинг, тафтиш, ўрганиш.

Иқтисодиётнинг мураккаб шароити ва рақамли иқтисодиётга ўтиш йўлида молиявий назорат жараёнида эришиладиган натижаларнинг самарадорлиги ва ишончлилиқ даражасини ошириш учун молиявий назоратнинг натижадорлигини ошириш муҳим зарурат бўлиб бормоқда. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши юзасидан доимий назорат олиб борилмоқда.

Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари молиявий назоратнинг самарадорлигини таъминлашда, аввало, унинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ ўрганиши талаб этилади.

“Назорат” атамаси “Бошқарув” атамаси билан узвий боғлиқ бўлиб, объектни бошқариш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, айниқса мураккаб тизимларни бошқаришда, тегишли назоратсиз тўлақонли амалга ошириб бўлмайди.

Назорат тартибга солиш тизимининг ажралмас қисми ҳисобланиб, унинг ёрдамида тизим бошқарувчиси тизимнинг ҳақиқий ҳолати тўғрисида керакли маълумотларни олади ҳамда ҳақиқатда амалга оширилган ишларни баҳолаш имкониятини инобатга олган ҳолда, номақбул оқибатлар билан боғлиқ оғишларни аниқлаш имконини беради.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида давлат молиявий назорати тушунчасини тавсифлашга ҳаракат қилдик. Фикримизча, давлат молиявий назорати – бу молиявий қонунчилиқка риоя қилишни таъминлаш ва давлатнинг бюджет ва бюджетдан ташқари даромадларининг мақсадсиз сарфланишига йўл қўймаслик борасида давлатнинг молиявий сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга қаратилган чора–тадбирлар тизими ҳисобланади. Давлат молиявий назорати молиявий сиёсатнинг муҳим воситаси ҳисобланади ва у Ўзбекистон Республикасининг бюджет қонунчилиги ва бюджет муносабатларини тартибга солувчи бошқа бюджет тўғрисидаги меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилинишини таъминлашга қаратилган.

Сўнгги йилларда бюджет тўғрисидаги маълумотларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет

жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917-сон Қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан мамлакатимизда амалга оширилаётган бюджет соҳасидаги ўзгаришларни фойдаланувчиларга етказиб бериш, маълумотларнинг шаффофлиги ва очиклиги бир мунча таъминланади.

Назорат органларининг аниқ белгилаб берилган ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва ваколатлари кўрсатилган ягона тамойиллар, меъёр ва меъёрий ҳужжатлар Давлат молиявий назорат тизимининг “пойдевори” бўлиши лозим.

Ҳар қандай назорат органи самарали фаолиятни амалга ошириши учун мустақиллик ва ҳолислик тамойиллари унинг ишлаш тамойиллари бўлиши керак. Давлат молиявий назорати тизимининг асосий стратегияси, давлатнинг фаолияти стратегияси ва манфаатларига мос бўлиши керак.

Шундай қилиб, молиявий назоратнинг самарали тизимини яратиш орқали иқтисодий соҳада хавфсизликни ва фуқароларнинг манфаатларини максимал даражада ҳимоя қилишни таъминлаш давлатнинг асосий манфаатлари ҳисобланади.

Давлат молиявий назоратининг самарали фаолият юритиши бюджет маблағларини шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланишнинг узлуксиз жараёнини таъминлайди.

Замонавий шароитда бюджет-молия соҳасида назоратнинг самарадорлигини ошириш муаммоси юзага келади, чунки мамлакат бюджетининг ҳолати ва аҳоли фаровонлиги, давлат молиявий назорати самарадорлигига ва назорат органларининг фаолиятини ташкил қилишга боғлиқ.

Шу сабабли, давлат молиявий назорати самарадорлигини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий вазифа ҳисобланади, чунки унинг ечими давлатнинг бутун ижтимоий-иқтисодий сиёсати, шу жумладан бюджет сиёсатининг сифатини оширишга ёрдам беради.

Давлат молиявий назорати тизими ўзининг шаклланиш ва ривожланиш босқичида миллий ва хориж тажрибаларни умумлаштириш асосида ишлаб чиқилган илмий асосланган услубий ва амалий тавсияларга муҳтож бўлади. Давлат бошқаруви ва назорат субъектлари учун назорат тадбирларини режалаштириш, ўтказиш ва умумлаштиришнинг ягона мезонларини яратиш унинг самарадорлигини оширишнинг зарурий шартидир.

Эътироф этиш лозимки, сўнгги йилларда бюджет назорати тизимини шакллантиришда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан ўтказиладиган идоравий назорат институтлари (ички аудит тизими), ташкил этилди ва бюджет қонунчилиги бузилишларини бир мунча олди олинишига муваффақ бўлинди. Шу билан бир қаторда бизнингча, мазкур институтнинг айрим камчиликлари бўлиб, ушбу камчиликларига дастлабки ва жорий назоратни амалга оширилмаслигидир. Бу ўз навбатида, ушбу назоратни тўлиқлигини ҳамда таъсирчанлигини камайтиришга олиб келади. Биз, замонавий давлат бюджет назорати тизимини такомиллаштириш, юридик ва молиявий операцияларда инсон омилини камайтириш, тизимли йўл қўйилаётган молиявий хато-камчиликларни олдини олиш нуқтаи назаридан, унинг асосий стратегик мақсадлари, ғоялари ва ривожланиш йўналишларини белгилаш учун биринчи навбатда унинг ягона Концепциясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлигини эътироф этамиз. Ушбу Концепцияни яратиш нафақат миқдорий, балким ундан ҳам муҳимроқ – сифат кўрсаткичларини белгилаб чиқиш, кенг миқёсда илмий тадқиқотларни амалга оширишни тақозо этади. Шунингдек, жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган давлат назоратининг замонавий усулларида фойдаланиш давлат бюджет назорати самарасини янада орттиради. Бу эса ўз навбатида давлат бюджети назоратини ҳуқуқий ва меъёрий асосларини ривожлантиришни талаб этади.

1. Gaybullayevna, R. S. ., & Musurmangulov. (2024). THE IMPORTANCE OF TIME MANAGEMENT IN ENSURING EFFICIENCY IN CONSTRUCTION. *JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE*, 3(1), 28–31.
2. Gaybullayevna, R. S. (2023). THE STATE OF THE DIGITAL ECONOMY TODAY: PROBLEMS AND SOLUTIONS. *JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE*, 2(12), 38-42.
3. Sharifa, R., & Ilyos, T. (2023). PRINCIPLES OF SCIENTIFIC MANAGEMENT IN MANAGEMENT. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 2(16), 1097-1100.
4. Sharifa, R., & Sayyora, M. (2023). HISTORY OF EMERGENCE OF MANAGEMENT AND ITS PLACE TODAY. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 2(16), 1093-1096.
5. Sharifa, R. (2023). DIRECTIONS FOR INCREASING INVESTMENT ATTRACTIVENESS IN REGIONS. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 2(16), 1088-1092.
6. Sharifa, R., & Nozima, T. (2023). QUALITY MANAGEMENT IN COMPETITIVE CONDITIONS IS THE MAIN FACTOR OF ENTERPRISE SUCCESS. *SCIENTIFIC APPROACH TO THE MODERN EDUCATION SYSTEM*, 2(20), 200-203.
7. Sharifa, R., & Mahliyo, K. (2023). ORGANIZATIONAL STRUCTURE OF ENTERPRISES AND THEIR APPEARANCES. *JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE*, 2(5), 77-83.
8. Gaybullayevna, R. S. (2023). WOMEN'S ENTREPRENEURSHIP IS A FACTOR OF INCREASE IN OUR COUNTRY'S ECONOMIC WELFARE AND SOCIAL DEVELOPMENT. *JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE*, 2(5), 73-76.
9. Gaybullayevna, R. S. (2023). MODERN FUNDAMENTALS OF FINANCIAL MANAGEMENT OF INVESTMENT ACTIVITY. *JOURNAL OF ECONOMY, TOURISM AND SERVICE*, 2(5), 51-54.
10. Gaybullaevna, R. S. (2023). Methods for Assessing the Economic Efficiency of Investments in Construction. *European Journal of Higher Education and Academic Advancement*, 1(1), 95-98.
11. Gaybullaevna, R. S. (2023). Construction Industry in Uzbekistan Is an Important Priority Network of the National Economy. *Pioneer: Journal of Advanced Research and Scientific Progress*, 2(3), 69-71.
12. Qamarov Asadbek Zafar o'g'li, & Rasulova Sharifa G'aybullayevna. (2023). BIZNESINGIZ UCHUN SAMARALI MARKETING STRATEGIYALARINI QANDAY YARATISH MUMKIN. *Scientific Impulse*, 2(14), 305–312.
13. Gaybullaevna, R. S. (2023). Economic Efficiency of Investing in Construction. *International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development*, 5(3), 94-97.
14. Расулова, Ш. Ф. (2021). ЎЗБЕКИСТОНДА БАНДЛИК МУАММОСИ. ИШСИЗЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ. *Global Science and Innovations: Central Asia (см. в книгах)*, 3(7), 22-25.
15. Расулова, Ш. Г. (2020). ПРИВЛЕЧЕНИЕ ИНВЕСТИЦИЙ. *Экономика и социум*, (2 (69)), 316-319.
16. Rasulova, S. G., & Obidova, F. Y. (2019). ISSUES OF SMALL BUSINESS DEVELOPMENT. *Theoretical & Applied Science*, (9), 426-429.
17. Расулова, Ш. Г. (2019). ВАЖНОСТЬ ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ МЕР ПО ПОВЫШЕНИЮ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ НАСЕЛЕНИЯ. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (3-8), 95-100.
18. Rasulova, S., & Jabborova, Z. (2019). PRINCIPAL DIRECTIONS ON THE DEVELOPMENT OF ENTREPRENEURSHIP. *International Finance and Accounting*, 2019(3), 18.
19. Расулова, Ш. Ф. (2019). ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ПОЛИТИКА ГОСУДАРСТВА И ПОВЫШЕНИЕ ЕЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ, НАПРАВЛЕННЫЕ НА ПОВЫШЕНИЕ

ЭКОНОМИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ НАСЕЛЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (3-8), 90-95.

20. Якубов, С. Ф., Гафуров, А. Т., & Расулова, Ш. Г. (2015). Вопросы активизации деятельности коммерческих банков в финансировании инвестиций. *Молодой ученый*, (3), 551-556.

21. Расулова, Ш. Г. (2019). ВАЖНОСТЬ ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ МЕР ПО ПОВЫШЕНИЮ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ НАСЕЛЕНИЯ. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (3-8), 95-100.

22. Uglu, R. S. S. (2021). Analysis of economic reforms increasing labour resources in the republic of uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(11), 390-396.

23. Расулова, Ш. Г. (2019). ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ПОЛИТИКА ГОСУДАРСТВА И ПОВЫШЕНИЕ ЕЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ, НАПРАВЛЕННЫЕ НА ПОВЫШЕНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ НАСЕЛЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (3-8), 90-95.

24. Расулов, Ш. (2022). Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурсларининг иш билан бандлигининг жорий ҳолати таҳлили. *Iqtisodiyot va ta'lim*, 23(2), 227-232.

25. Расулов, Ш. (2022). МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ. *Iqtisodiyot va ta'lim*, 23(4), 149-153.

26. Расулов, Ш. Ш. (2024). МАМЛАКАТИМИЗ МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ БЎЙИЧА БАНДЛИГИНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ. *Innovations in Science and Technologies*, 1(1), 78-89.

27. Расулов, Ш. Ш. (2024). МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИ ИШ ЎРИНЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ. *Экономика и социум*, (2-1 (117)), 1318-1321.

28. Sh, R. S. (2023). MEHNAT RESURSLARINING IQTISODIYOT TARMOQLARI BO 'YICHA BANDLIGINING JORIY HOLATI TAHLILI. QO 'QON UNIVERSITETI XAVARNOMASI, 9, 113-116.

29. Sharof, R. S. (2023). Analysis of The State Employment Policy Aimed at The Employment of Labor Resources in The Republic of Uzbekistan. *International Journal of Human Capital and Innovative Management*, 1(1), 54-61.